

СУТ ЧОРВАЧИЛИГИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Менгликулов Бахтиёр Юсупович
ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит
кафедраси профессори, и.ф.н.
E-mail: mbaxtiyor74@mail.ru

Аннотация. Бугунги кунда сут чорвачилигида маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур мақолада маҳсулот таннархини калькуляция қилиш масалаларига услубий ёндашувлар баён қилинган. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишга иқтисодий луғатларда берилган, хорижлик ва иқтисодчи олимларнинг томонидан берилган таърифлар ва фикр-мулоҳазалар ўрганилган. Сут чорвачилигида маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бўйича тегишли хулосалар шакллантирилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: сут чорвачилиги, сут, насл, харажатлар, маҳсулот таннархи, калькуляция, калькуляция усуллари.

Кириш

Бугунги кунда харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни бозор талаблари асосида ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Чорвачиликда харажатларни тўғри шакллантириш, таннархни аниқ ҳисоблаш ва ўз вақтида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда харажатларнинг катта қисмини озуқа харажатлари эгаллайди. Чорва озуқасининг асосий қисми маҳаллий имкониятлардан қопланмаслиги эса, харажатларнинг ошишига ва таннархни юқори бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида мазкур масалага тўхталиб: «Бугунги кунда фермер хўжаликларининг йиллик чорва озуқасига бўлган эҳтиёжининг фақат 35 фоизи маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда» ҳамда «Шу сабабли янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш эвазига чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлаш... керак» [1] деб таъкидлаб ўтдилар.

Маълумки, харажатларни шакллантириш ҳамда унинг назарий асосларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан республикамізда амалда харажатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом [2] шундай ҳужжатлар жумласига киритилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Бугунги кунда сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархини илмий асосланган ҳолда калькуляциялаш катта аҳамиятга эга. Аввало, калькуляция тушунчасига билдирилган таърифлар ва ёндашувларга эътибор қаратсак.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да калькуляция тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Калькуляция (лот. calculatio, calculo - ҳисоблайман, ҳисоб-китоб) - маҳсулот бирлиги ёки бажарилган иш таннархини ҳисоблаб чиқариш» [3].

Иқтисодий луғатларда маҳсулотлар таннархини калькуляциялашга қуйидагича ёндашув келтирилган: «Калькуляция-маҳсулот (хизмат) бирлигининг таннархини харажатлар турлари (калькуляция моддалари) бўйича ҳисоблаш» [4].

Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчанинг бир қатор таърифлари мавжуд: «Калькуляция-бу бир бирлик маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш (ҳисоблаш жараёнининг йиғиндиси) ўсулидир» [5]. Шунингдек, «Маҳсулот таннархини калькуляциялаш харажатларни гуруҳлаш ва тайёрланган маҳсулотлар таннархини уни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажат моддалари бўйича аниқлашдир» [6]. Шуни таъкидлаш керак-ки, калькуляция ҳам баҳолаш каби бухгалтерия ҳисоби методи элементларидан бири ҳисобланади, яъни маҳсулот таннархини ҳисоблаш методи ҳисобланади. Калькуляция, шунингдек, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш бўйича иқтисодий ишларнинг алоҳида мустақил босқичи ҳисобланади [7]. Ушбу ҳолатда маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқариш ва сотишда фойдаланилган меҳнат, моддий, биологик ва молиявий ресурслар истеъмолининг пулда ифодаланган харажатларидир [8]. Шу сабабли сут чорвачилигида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишни тегишли тартибда ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг асосланганлиги сутга мақбул сотиш баҳосини белгилаш, ушбу маҳсулотларни сотишдан молиявий натижаларни ва уларнинг реализация қилишнинг янада фойдалароқ каналларини тўғри аниқлаш учун катта ҳамиятга эга.

Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини объектив ҳисоблаш учун ҳар бир ҳўжаликда калькуляция, калькуляция бирликлари ва калькуляция муддатларини тўғри аниқлаш; сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархига кирувчи моддий ва биологик харажатлар қийматини баҳолашнинг муқобил методларидан фойдаланиш; чорвачиликда харажатлар ва маҳсулотлар чиқишининг тўлиқ ҳисобга олинишини оператив текшириш учун самарали назорат механизмини шакллантириш; сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг асосланган усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётда фойдаланиш зарур [9; 10; 11].

Замонавий шароитларда маҳсулотлар таннархини калькуляциялаш, калькуляция объектлари рўйхати, калькуляция бирликлари ва таннархни ҳисоблаш муддатлари муаммоларини муҳокама қилиш кўплаб муаллифларнинг ишларида учрайди [12].

Тадқиқот методологияси

Аграр иқтисодиёт ривожланишининг замонавий шароитларида сут чорвачилигида ишлаб чиқариш харажатлари (қўшимча маҳсулотлар қийматини чегирилган ҳолда) суммасидан тегишли қисмини асосий (сут) ва қўшимча (насл) маҳсулотга асосланган ҳолда таннархга олиб бориш ўз ечимини талаб қилади. Ҳозирги вақтда сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш учун озуқаларнинг энергия алмашинуvidан келиб чиққан ҳолда сут ишлаб чиқаришга (90 %) ва насл олинишига (10 %) тақсимлаш усули қўлланилади. Замонавий шароитларда ушбу усулдан фойдаланилганда сут чорвачилиги маҳсулотлари

таннархи кўпроқ ишончсиз, объектив бўлмаган таннарх кўрсаткичларини (мисол учун, насл таннархи жудаям юқори) олишга олиб келувчи шартли характерга эга бўлади. Шунинг учун сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг кўпроқ асосланган бошқа усулларида фойдаланиш зарур.

Маълумки, сут чорвачилигида асосий соғин сигирлар бўйича 1 ц. сут ва бир бош насл таннархи соғин сигирлар ва буқаларни сақлаш харажатлари, бошқа маҳсулотлар: гўнг, жун ва юнлар таннархига олиб борилган харажатлар чегирилган ҳолда аниқланади. Сут чорвачилиги умумий харажатларидан гўнг, жун ва юн қиймати чегирилганидан кейин қолган харажатлар бўйича корхона ҳисоб сиёсатида танланган сут чорвачилигида маҳсулот таннархини аниқлаш усули бўйича 1 ц. сут ва бир бош насл таннархи аниқланади.

Бунда ёндаш маҳсулотлар (гўнг, жун ва юн) қийматини умумий харажатларидан чегириш учун улар белгиланган баҳода баҳоланади: гўнг - ушбу ёндаш маҳсулот таркибида озиқавий моддалар (минерал ўғитларнинг таъсир қилувчи моддалари - азот, фосфор, калий)нинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитларни харид қилиш баҳосида, жун ва юнлар - сотиш ёки фойдаланиш мумкин бўлган қиймат бўйича [8]. Хўжаликларда гўнг, шунингдек, аниқ шароитларда уни йиғиб олишнинг норматив харажатлари ва молнинг тагига тўшалган тўшама қийматидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши мумкин. Гўнгни йиғиб олишнинг норматив (ҳисобланган) харажатлари уларни гўнг йиғиш жойларидан олиш ва технологик карталарда сақлаш ва гўнг сақлаш жойларидан уларни чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш харажатларидан таркиб топади. 1 т гўнг таннархи умумий харажати унинг массасига бўлиш йўли билан аниқланади.

1 ц. сутнинг таннархи уни ишлаб чиқаришга тўғри келувчи харажатлар суммасини олинган сутнинг физик массасига бўлиш йўли билан ҳисобланади, бир бош наслнинг таннархи эса наслга олиб борилган харажатларни олинган насллар сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Бунда сут чорвачилигида умумий харажатлардан гўнг, жун ва юн қиймати чегирилганидан кейин харажатлар суммасини тақсимлашда қуйидаги усуллардан бирини қўллаш тавсия қилинади:

1. Пропорционал усул. Унинг моҳияти сут ва наслга олиб борилиши керак бўлган қолган суммани (жами харажатдан ёндаш маҳсулотлар чегирилганидан кейин) сут ва наслни ҳар бир маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосига пропорционал равишда тақсимланади, яъни сут 1 ц. сутнинг сотиш баҳоси бўйича баҳоланади, жами олинган насл хўжаликдаги ушбу зотдаги 1 ц. тирик вазнининг сотиш баҳоси бўйича баҳоланади ёки 1 ц. сотиш баҳосини тақсимлашдан иборат (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринади-ки, ёндаш маҳсулотлар қиймати (1838950 минг сўм) чегирилганидан кейин 98,5 % ёки 1811366 минг сўм сутга ($1838950 \times 0,985$), 1,5 % ёки 27584 минг сўм ($1838950 \times 0,015$) олинган наслга олиб борилган. Олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда таннарх аниқлаймиз:

1 ц. сут - 349347 сўм ($1811366 : 5185$);

бир бош насл - 1532444 сўм ($27584000 : 18$);

наслнинг 1 ц. тирик вазни - 3064889 сўм ($27584000:9$).

1-жадвал

Сут чорвачилигида асосий пода маҳсулотлари таннархини пропорционал
усулда ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Миқдори (ўлчов бирлиги)	Асосий ва ёндаш маҳсулот қиймати		Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	1 ц. сут ва наслнинг тирик вазни 1 ц таннархи, сўм
		минг сўмда	жамига нисба- тан % да		
1	2	3	4	5	6
1. Хўжаликдаги чорва моллари сони, бош	385	-	-	-	-
шундан: сигирлар сони, бош	173	-	-	-	-
2. Сут чорвачилиги асосий ишлаб чиқариш харажатлари - жами, минг сўм	-	-	-	1846000	-
3. Йил давомида олинган:					
а) сут, ц	5185	1897110	98,5	1811366	349347,0
б) насл:					
бош	18	-	-	-	1532444,0
тирик вазни, ц	9	28890	1,5	27584	3064889,0
в) гўнг, т	141	-	-	-	-
4. Асосий ва ёндаш маҳсулот қиймати, жами	-	1926000	100	-	-
5. Сут чорвачилигида гўнг қиймати чегирилганидан кейин ишлаб чиқариш харажатлари (1846000000- 141x50000)	-	-	-	1838950	-

Изоҳ. хўжаликда 1 т. гўнг қиймати - 50000 сўм

2. Сут чорвачилигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларидан ёндаш ва қўшимча маҳсулотлар (насл ва гўнг) қийматни чегириш усули [8]. Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг ушбу усулида мазкур ҳолатда сут товар маҳсулоти ҳисобланиши ҳамда ички бошқарув тизимида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун уни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини (фойдалилиги, рентабеллиги) баҳолашга зарурат пайдо бўлишидан келиб чиқади (2-жадвал).

2-жадвал

Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини ишлаб чиқариш харажатларидан
қўшимча ва ёндаш маҳсулотлар қийматини чегириб ташлаш усулида ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Бирламчи маълумотлар ва ҳисобланган кўрсаткичлар (ўлчов бирликларида)
1	2
1. Сут чорвачилигида ишлаб чиқариш харажатлари - жами, минг сўм	1846 000
2. Сигирлар йиллик ўртача сони, бош	173
3. Сут чорвачилигида маҳсулот чиқиши:	
а) сут, ц	5185
б) насл:	
бош	18
тирик вазни, ц	9
в) гўнг, т	141
4. Маҳсулот қиймати:	
а) ушбу зот (сментал зоти)да чорва тирик вазни 1 ц. сотиш баҳосидан	

келиб чиққан ҳолда наслнинг қиймати, минг сўм.	28890
б) гўнгдаги озикавий моддалар таркиби ва тегишли минерал ўғитларни харид қилиш баҳоларидан келиб чиққан ҳолда гўнг қиймати, минг сўм	1050
5. Насл ва гўнг қиймати чегирилган ҳолда сут чорвачилиги ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	1811366
6. 1 ц сут таннархи сўм	347997
7. Қиймати:	
бир бош насл, сўм	1618261
1 т гўнг, сўм	50000

Изоҳ: Бир бош насл ва 1 т. гўнгнинг қийматини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда ушбу қўшимча ва ёндаш маҳсулотлар таннархини баҳолашда қўллаш тавсия қилинади.

3. Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффицент усули.

Ушбу усулнинг моҳияти шунда-ки, сут чорвачилигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жами харажатлари суммасидан қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар) қиймати чегириб ташланади. Олинган сумма сутга тенглаштирилган шартли маҳсулот миқдори (тенглаштириш коэффицентлари: сут - 1, насл - 1,5) бўлинади. Ҳосил бўлган бўлинма 1 ц. шартли сутнинг таннархини ташкил қилади. 1 ц. шартли сутнинг таннархини наслни шартли сутга тенглаштириш коэффицентга (1,5 га) кўпайтириб 1 бош наслнинг таннархини аниқлаймиз.

1-мисол. Сигирларни (173 бош) сақлаб туришнинг йиллик харажатлари 1846 000 минг сўмни ташкил қилган, йил давомида 5185 ц сут, 18 бош насл олинган. Қўшимча маҳсулотларнинг (гўнг) қиймати 50,0 минг сўмни ташкил қилган. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни аниқлаймиз:

а) асосий ва қўшимча маҳсулот таннархи (сут ва насл олиниши): $1846000 - 7050 = 1838950$ сўм;

б) сут ва наслнинг умумий миқдори (шартли сутга ўтказилган): $5185 + (18 \times 1,5) = 5212$ ц;

в) 1 ц шартли сут таннархи: $1838950 : 5212 = 352830$ сўм;

г) бир бош наслнинг қиймати: $521200 \times 1,5 = 1781800$ сўм.

4. Соғин сигирларни сақлаб туриш харажатларини ёндаш маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегириб ташлаган ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотларга озукалар метоболик энергия сарфига мувофиқ сигирлар сут маҳсулдорлиги даражасига (бир бош сигирга тўғри келувчи йиллик соғиб олинган сут миқдори) ва 100 бош сигирга насл (бузоқ) олиниши, шунингдек уларнинг тирик вазнига боғлиқ ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотларни олиб бориш (тақсимлаш) усули.

Амалиётда ушбу усулнинг фойдаланилишини асослашга озуканинг метоболик энергияси сарфига боғлиқ ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотга фақат ем-хашак харажатлари қуйидагича олиб борилади: 10 % наслга ва 90 % сутга (100 бош сигирдан насл олиш 100 % бўлиш шарт билан). Сут чорвачилигида қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилган бошқа харажатлар сут ва наслга уларнинг сотиш баҳоларига пропорционал равишда тақсимланади.

Шундай қилиб, хўжалиқда сут чорвачилигида маҳсулот ишлаб чиқариш учун озук сарфи 493989 минг сўмни ташкил қилган. Шундан сут ишлаб чиқаришга 92 % и, ёки 454470 минг сўм ($493989 \times 0,92$), насл олиш учун 8 % и, ёки 39519 минг сўм ($493989 \times 0,08$) тўғри келади.

Озуқа харажатларининг фақат 8 % и насл (бузоқлар)га олиб борилган, чунки ушбу хўжалиқда 100 бош сигирга насл олиниши 80 % ни ташкил қилган. Кейин сут

чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бошқа барча харажатлари (1846000-493989=1352011 минг сўм) қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирланган ҳолда (1352011-52426=1299585 минг сўм) сут ва наслга уларнинг сотиш баҳоларига пропорционал равишда тақсимланади. Тушунарли бўлиши учун 1 ц сут ва бир бош насл таннархи ҳисоб-китоби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Сут чорвачилигида озуқа харажатларини метоболик энергия сарфи ва бошқа харажатлар (қўшимча маҳсулотлар қийматини чегирланган ҳолда) бўйича сут ишлаб чиқариш ва наслга уларнинг қийматига пропорционал равишда олиб бориш усули бўйича маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Бирламчи маълумотлар	Ҳисобланган маълумотлар, сўм
1	2	3
1. Сигирлар йиллик ўртача бош сони	173	-
2. Йил давомида олинган:		
а) сут, ц	5185	-
б) насл:		
бош	18	-
тирик вазн, ц	9	-
3. Озуқа харажатлари, минг сўм	493989	-
Шундан, олиб борилган:		
а) сутга - 92 %	-	454470000
б) наслга - 8 %	-	39519000
4. Озуқа харажатлари ва қўшимча маҳсулотлар таннархи чегирланган ҳолда сут чорвачилигида ишлаб чиқариш харажатлари (1846 000 - 493989 - 52426), минг сўм	1299585	-
Шундан, қуйидагиларга олиб борилган:		
а) сутга - 98,5 %	-	1280091
б) наслга - 1,5 %	-	19494
5. Таннарх, сўм:		
а) 1 ц сутнинг (3а қатор + 4а қатор : 2а қатор)	-	87898
б) 1 бош наслнинг (3б қатор + 4б қатор : 2б қатор)	-	2196583

5. Соғин сигирларни сақлаш харажатларини қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегирланган ҳолда сут ва наслга улардаги метоболик энергияга пропорционал олиб бориш (тақсимлаш) усули [13; 14].

2-мисол. Сут чорвачилигида ёндаш маҳсулотлар (гўнг) қиймати чегирланганидан кейинги йиллик харажатлар суммаси 1838950 минг сўмни ташкил қилади. 1 кг сутда (мисол учун, ёғлилик даражаси 4 %) 3 Мдж ва 1 кг насл тирик вазнида 17 Мдж мавжуд. Йил давомида 1 555 500 Мдж (518500 х 3) метоболик энергияга ўтказилган сут, 15 300 Мдж (900 х 17) метоболик энергияга ўтказилган тирик вазн олинган. Асосий ва қўшимча маҳсулотлар (сут ва насл)дан олинган умумий метоболик энергия ҳажмида сутнинг метоболик энергияси улуши 99 % ни (1 555 500 : 1 570 800 х 100), наслнинг тирик вазни метоболик энергиясининг улуши 1 % (15 300 : 1 570 800 х 100) ни ташкил қилади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб қуйидагиларни аниқлаймиз:

а) 1 ц сут таннархи: $1838950000 \times 0,99:5185 = 351120$ сўм;

б) бир бош насл таннархи: $1838950000 \times 0,01 : 18 = 1021639$ сўм.

Таҳлил ва натижалар

Сут чорвачилигида ҳар бир маҳсулот турининг таннархини асосланган, объектив ва аниқ ҳисоблашга эришиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарида чорвачиликнинг ушбу қуйи тармоғида барча маҳсулот турлари ҳисоби тўлиқлигини

ташкил қилиш зарур. Гап фақат сут, насл ва ёндаш маҳсулот ҳисоби ҳақида эмас, балки фойдаланилаётган йирик шохли қорамол тирик вазнининг ўсиши ҳисоби ҳақида кетяпти. Шундай қилиб, таъмирлаш учун ёш чорва моллари (ғунажинлар) асосий соғин сигирлар подасига ўтказилганидан кейин маҳсулдор фойдаланиш даврида (муддатида) маҳсулдор эксплуатациянинг ҳар бир йилидаги ўсиш ҳисобига уларнинг тирик вазни ўсиб боради. Тирик вазнининг ўшбу ўсиши ҳозирги вақтда бухгалтерлик ва зоотехник ҳисобда акс эттирилмаслиги бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида йирик шохли чорва молларининг сигирлар подаси қийматининг нотўғри (сунъий равишда пасайтириб) кўрсатилишига ва қийматнинг ўшбу қисмига амортизация ҳисобланмаслигига олиб келади.

Шу сабабли ҳисобот йили охирида маҳсулот таннархини калькуляциялаш мақсадида ҳўжаликларда соғин сигирлар подаси тирик вазни ўсиши аниқланади. Кейин соғир сигирлар подасини етиштириш (сақлаш)нинг жами харажатларидан қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар) қиймати чегириб ташланади. Қолган харажат суммаси сут, насл ва соғин сигирлар подаси тирик вазнининг ўсишига ҳар бир маҳсулотнинг бозор қийматига пропорционал равишда ёки маҳсулотнинг ҳар бир туридаги энергия алмашинуви миқдорига (3 % ёғлилик даражасидаги 1 кг сутнинг энергия алмашинуви (метаболик энергия) миқдори - 2,3 Мдж, 4 % ёғлиликда - 3 Мдж, 5% ёғлиликда - 3,31 Мдж, насл(бўзоқ)нинг 1 кг тирик вазнида - 17 Мдж, йирик шохли қорамолнинг 1 кг қўшилган вазнида - 20 Мдж) пропорционал равишда олиб борилади [13].

Соғин сигирлар тирик вазни ўсишига олиб борилган харажатлар улуши ўшбу чорва моллари тирик вазни қиймати кўпайишига ҳисобдан чиқарилиши керак. Тегишлича, калькуляциялаш учун ҳисобга олинган соғин сигирлар тирик вазни ўсиши бухгалтерия ва зоотехник ҳисобида ўшбу турдаги чорва моллари тирик вазни ўсишига олиб борилиши керак. Буларнинг барчаси қишлоқ ҳўжалик корхонасида ҳар бир ҳисобот йили якунида бухгалтерия ва зоотехник ҳисобида, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида (балансда) соғин сигирларнинг ҳақиқий қиймати ва тирик вазнини қайта тиклашга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ҳўжалик корхонаси сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархини калькуляциялашнинг келтирилган барча усулларида исталган усулни мустақил равишда танлаш ва фойдаланиши мумкин. Бунда чорвачиликни ички бошқаришнинг маълумотга бўлган эҳтиёжларидан, шунингдек маҳсулот таннархи кўрсаткичларидан қуйидагилар учун фойдаланиш заруратидан келиб чиқиш зарур:

- захираларни (сут, насл) ҳисоб ва ҳисоботда баҳолаш;
- сут ишлаб чиқариш ва насл етиштириш қийматларини алоҳида, тегишли равишда, ўшбу маҳсулотлар турларининг ҳаққоний қиймати ёки ички трансферт баҳолари бўйича харажатлар қопланишини таҳлил қилиш;
- сут чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш;
- бозор рақобати шароитида сутга баҳо шакллантириш аграр сиёсатини асослаш.

Юқорида санаб ўтилганларидан ташқари, сут чорвачилигида таннарх калькуляциясининг у ёки бу усулини танлаш масаласи ҳар бир корхонада мустақил равишда қабул қилинган ишлаб чиқариш (бошқарув) ҳисоби модели, қабул қилинган ҳисоб сиёсати, ривожланишнинг ишлаб-чиқариш-молиявий стратегияси, шунингдек стратегик мақсадга - чорвачиликнинг ўшбу қуйи тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш

самарадорлигини оширишга эришиш учун чорвачиликни бошқариш тизимининг олдида қўйилган оператив, жорий ва тактик вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом
3. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2000. -407 б.
4. Краткий экономический словарь / под ред. Ю.А.Белкина и др. –М.: Политиздат, 1987. - 399 с.
5. А.Т.Махкамбаев, Ф.Т.Абдувахидов, Д.А. Сатывалдиева, Э.Т. Шодиев. Калькуляция себестоимости: Учебное пособие —Т: Издательский дом «ILM ZIYO», 2012 г.- 208 с
6. Зонova A.B. Бухгалтерский учет и анализ. Комплексный подход к принятию управленческих решений: практическое руководство / A.B.Зонova, Л.А.Адамайtis, И.Н.Багуpинская. –М.:Эксмо, 2009.–512 с.
7. Пипко В.А. Пути совершенствования учета производства и исчисления себестоимости продукции в условиях агробизнеса / В.А.Пипко // Бухучет в сельском хозяйстве. -2009. - №6. –С. 39-45.
8. Концевой Г.Р. Развитие управленческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 201 б. - 24 с.
9. Концевой Г.Р. Совершенствование методики оценки и управленческого учета материальных и биологических затрат в сельском хозяйстве / Г.Р.Концевой // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий предприятий. -2015. -№1. - С. 26-29.
10. Хоружий Л.И. Методология развития управленческого учета затрат на производство сельскохозяйственной продукции /Л.И.Хоружий, Ю.И.Сигидов, В.В.Говдя / В сб.: Актуальные вопросы учета, финансов и контрольно-аналитического обеспечения управления в сельском хозяйстве: Материалы Международной научно-производственной конференции, посвященной 30-летию кафедры бухгалтерского учета, финансов и аудита. Министерство сельского хозяйство Российской Федерации, федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Ижевская государственная сельскохозяйственная академия». -2017. –С. 56-60.
11. Хоружий Л.И. Проблемы и перспективы развития бухгалтерского учета и оценки биологических активов / Л.И.Хоружий, В.И.Хоружий, М.Ю.Гасанов, К.А.Джикия // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2017. - № 3. - С. 6-20.
12. Горюнова О.С. Отчетная калькуляция обычных видов деятельности / О.С.Горюнова // Аграрная наука. -2009. -№2. – С. 12-14.
13. Алборов Р.А. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика) / Р.А. Алборов. - М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2005. - 224 с.
14. Хоружий Л.И. Калькуляция себестоимости сельскохозяйственной продукции: прошлое, настоящее, будущее / Л.И.Хоружий // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -2012. -№1. – С. 59-62